

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ 375 06.05.2019Й

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ, ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ВА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА КИРИШИ УЧУН ТАВСИЯНОМА (ТАҚДИМНОМА) БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2019 йилда давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тадбирларини жорий йилнинг май-июнь ойларида ушбу қарор билан тасдиқланаётган Низом талабларига мувофиқ амалга оширсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 май,
375-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 375-сон қарорига
ИЛОВА

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг квота асосида давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриятига (иккинчи таълимдан ташқари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом ички ишлар органларининг шаходатланган ходимлари, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларининг фарзандларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Низом ички ишлар органлари ходимларининг терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида олган жароҳати туфайли ногиронлиги белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин васийликка олинган фарзандларига, шунингдек, ички ишлар органлари амалдаги ходимларининг васийликка олинган фарзандларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриятига (иккинчи таълимдан ташқари) ўқишга кириши учун тавсиянома Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг (кейинги ўринларда Вазир ўринбосари деб аталади) илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан қуйидагиларга берилади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига мазкур Низомга **1-иловага** мувофиқ;

терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига мазкур Низомга **2-иловага** мувофиқ.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тақдимнома Вазир ўринбосарининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан қуйидагиларга берилади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига, мазкур Низомга **3-иловага** мувофиқ;

терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига мазкур Низомга **4-иловага** мувофиқ.

5. Ички ишлар органлари ходимларининг терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топишнинг тартиби ва аниқ мезонлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Тавсиянома (тақдимнома) (кейинги ўринларда тавсиянома деб аталади) бланклари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ҳар йили Ички ишлар вазирлиги учун назарда тутилаётган маблағлар ҳисобига «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

7. Тавсиянома, мазкур Низомнинг **5-иловасига** мувофиқ, схема бўйича ходимларнинг фарзандларига бир давлат олий таълим муассасасининг бакалаврияти (иккинчи таълимдан ташқари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий (магистратура, иккинчи ва олий ўқув юртидан кейинги таълимдан ташқари) ва ўрта махсус таълим муассасасининг (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб аталади) кундузги ёки сиртки таълим шаклига бир марта кириш учун уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органлари амалдаги ходимларининг ҳарбий ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома берилган фарзандларига кейинчалик давлат ва ҳарбий олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳам тавсиянома берилиши мумкин.

Тавсияномага асосан ўқишга қабул қилинган талаба (курсант) ўқишдан четлаштирилган тақдирда (шу жумладан ўз хоҳиши билан ўқишдан кетганда), уларга тавсиянома қайтадан берилмайди.

2-боб. Тавсиянома бериш тартиби

8. Тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш учун Вазир ўринбосари раислигида комиссия тузилади.

Камида беш нафар раҳбар ходимлар ва ваколатли мутахассислардан иборат бўлган комиссия Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

9. Ҳар йили март ойида комиссия томонидан куйидагилар кўриб чиқилади:

ходимлар фарзандларига таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар деб аталади) бошлиқларининг тавсиялари;

терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатлари.

10. Таркибий ва ҳудудий бўлинмалар бошлиқлари комиссияга кўриб чиқиш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) амалдаги ходимлар бўйича:

таркибий ва ҳудудий бўлинма бошлиғининг тавсияси;

маълумотнома-объективка;

автобиографик маълумотлар;

хизмат фаолияти натижалари бўйича батафсил ҳисобот;

ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспорти нусхаси;

маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

б) терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар бўйича:

ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспорти нусхаси;

ходим фарзандининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси.

Мазкур бандда назарда тutilмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

11. Ҳужжатлар комиссияга кўриб чиқиш учун ҳар йили 15 мартгача тақдим этилади.

12. Комиссия таркибий ва ҳудудий бўлинмалар тақдим этган ҳужжатларни ҳар йили 1 апрелгача кўриб чиқади.

Вазир ўринбосари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ходимларга, улар хизмат қилаётган ички ишлар органидан қатъи назар, тавсиянома бериш учун илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга.

Комиссия йиғилиши яқунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раисининг имзоси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

13. Тавсиянома олганларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тавсиянома бериш тўғрисидаги буйруғи тасдиқлангандан сўнг ички ишлар органлари ходимлари терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган тақдирда, уларнинг фарзандларига жорий қабул йилининг 1 июлига қадар тавсиянома берилиши мумкин.

14. Комиссия ҳужжатларни ўрганиш мобайнида ходимнинг ҳалок бўлганлиги ёки олган тан жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган деб топилган ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган деб топилмаган тақдирда, тавсиянома беришни рад этади.

15. Таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган тавсияномаларнинг ягона ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан юритилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига мазкур Низомда назарда тутилган тартибда таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилган ходимларнинг фарзандлари рўйхатини ҳар йили 1 майгача мазкур Низомга **6-иловага** мувофиқ шаклда юборди.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Комиссиянинг ҳаракатлари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**

1-ИЛОВА

Тавсиянома бланкасининг

ШАКЛИ

TAVSIYANOMA IIV 000000	TAVSIYANOMA IIV 000000
O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan _____	O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan _____
_____ (maxsus unvoni, F.I.O.)	_____ ning (maxsus unvoni, F.I.O.)
ning farzandi _____	farzandi _____ ga
_____ ga (F.I.O.)	_____ (pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)
(tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-fevraldagi PQ-4212-son qaroriga muvofiq yo'nalishlar bo'yicha bakalavrlar tayyorlashda (ikkinchi ta'limdan tashqari) respublikaning barcha davlat oliy ta'lim muassasalariga davlat granti asosida kirishda ajratilgan qo'shimcha uch foizli qabul kvotasi doirasida tanlovda ishtirok etish imtiyozi beriladi.
Ichki ishlar vazirining 20__-yil "___" _____ dagi ___-son buyrug'iga asosan berildi.	Tavsiyanoma ichki ishlar vazirining 20__-yil "___" _____ dagi ___-son buyrug'iga asosan berildi.
M. O'.	Tavsiyanoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e'tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo'ladi.
_____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	M.O'.
20__-yil "___" _____	_____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)
	20__-yil "___" _____

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона кўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**
2-ИЛОВА

**Тавсиянома бланкасининг
ШАКЛИ**

<p align="center">TAVSIYANOMA IIV 000000</p> <p>O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlaridagi xizmati davrida terrorizm va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini ta‘minlash chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan</p> <p>_____ ning (maxsus unvoni, F.I.O.)</p> <p>farzandi _____ ga (F.I.O.)</p> <p>_____ ga (tavsijanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)</p> <p>Ichki ishlar vazirining 20__-yil “__” _____ dagi __-son buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>M. O‘. _____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)</p> <p>20__-yil “__” _____</p>	<p align="center">TAVSIYANOMA IIV 000000</p> <p>O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlaridagi xizmati davrida terrorizm va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini ta‘minlash chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan</p> <p>_____ ning (maxsus unvoni, F.I.O.)</p> <p>farzandi _____ ga (F.I.O.)</p> <p>_____ ga (pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)</p> <p>O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-fevraldagi PQ-4212-son qaroriga muvofiq yo‘nalishlar bo‘yicha bakalavrlar tayyorlashda (ikkinchi ta‘limdan tashqari) respublikaning barcha davlat oliy ta‘lim muassasalariga kirishda tanlovsiz, belgilangan qabul kvotasidan tashqari davlat grantiga asosan o‘qishga kirish imtiyozi beriladi.</p> <p>Tavsijanoma ichki ishlar vazirining 20__-yil “__” _____ dagi __-son buyrug‘iga asosan berildi.</p> <p>Tavsijanoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e‘tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo‘ladi.</p> <p>M.O‘. _____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)</p> <p>20__-yil “__” _____</p>
--	--

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона кўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**
3-ИЛОВА **Тақдимнома бланкасининг**

ШАКЛИ

<p style="text-align: center;">TAQDIMNOMA IIV 000000</p> <p>O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan _____</p> <p style="text-align: center;">(maxsus unvoni, F.I.O.)</p> <p>ning farzandi _____</p> <p style="text-align: center;">(F.I.O.)</p> <p>_____ ga</p> <p style="text-align: center;">(tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)</p> <p>Ichki ishlar vazirining 20__-yil "___" _____ dagi ___-son buyrug'iga asosan berildi.</p> <p>M. O'.</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)</p> <p>20__-yil "___" _____</p>	<p style="text-align: center;">TAQDIMNOMA IIV 000000</p> <p>O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlarida xizmat qilayotgan _____</p> <p style="text-align: center;">(maxsus unvoni, F.I.O.)</p> <p>ning farzandi _____</p> <p style="text-align: center;">(F.I.O.)</p> <p>_____ ga</p> <p style="text-align: center;">(pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)</p> <p>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-fevraldagi PQ-4212-son qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiyasi va Davlat bojxona qo'mitasining oliy (magistratura, ikkinchi va oliy o'quv yurtidan keyingi ta'limdan tashqari) va o'rta maxsus ta'lim muassasalariga (dastlabki va kasbiy tanlov natijalariga asosan) kirishda ajratilgan besh foizli qabul kvotasi doirasida tanlovda ishtirok etish imtiyozini beriladi.</p> <p>Taqdimnoma ichki ishlar vazirining 20__-yil "___" _____ dagi ___-son buyrug'iga asosan berildi.</p> <p>Taqdimnoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e'tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo'ladi.</p> <p>M.O'.</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)</p> <p>20__-yil "___" _____</p>
---	--

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМГА**

4-ИЛОВА

Тақдимнома бланкасининг

ШАКЛИ

TAQDIMNOMA IIV 000000	TAQDIMNOMA IIV 000000
<p>O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlaridagi xizmati davrida terrorizm va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini ta‘minlash chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan</p>	<p>O‘zbekiston Respublikasi ichki ishlar organlaridagi xizmati davrida terrorizm va jinoyatchilikka qarshi kurashish hamda jamoat xavfsizligini ta‘minlash chog‘ida halok bo‘lgan yoki olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan</p>
<p>_____ ning (maxsus unvoni, F.I.O.) ning farzandi</p>	<p>_____ ning (maxsus unvoni, F.I.O.) farzandi</p>
<p>_____ ga (taqdimnoma berilgan shaxsning F.I.O. va imzosi)</p>	<p>_____ ga (pasport (guvoohnoma) seriyasi, raqami)</p>
<p>Ichki ishlar vazirining 20__-yil “__” _____ dagi __-son buyrug‘iga asosan berildi.</p>	<p>O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 26-fevraldagi PQ-4212-son qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy gvardiyasi va Davlat bojxona qo‘mitasining oliy (magistratura, ikkinchi va oliy o‘quv yurtidan keyingi ta‘limdan tashqari) va o‘rta maxsus ta‘lim muassasalariga (dastlabki va kasbiy tanlov natijalariga asosan) kirishda tanlovsiz, belgilangan qabul kvotasidan tashqari o‘qishga kirish imtiyozi beriladi.</p>
<p>M. O‘. _____ (mansabdor shaxsning unvoni, imzosi, F.I.O.)</p>	<p>Taqdimnoma ichki ishlar vazirining 20__-yil “__” _____ dagi __-son buyrug‘iga asosan berildi.</p>
<p>20__-yil “__” _____</p>	<p>Taqdimnoma rasmiylashtirib berilgan sanadan e‘tiboran uch yil muddat davomida kuchga ega bo‘ladi.</p>
	<p>M.O‘. _____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)</p>
	<p>20__-yil “__” _____</p>

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **низомага**
5-ИЛОВА

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Амалга ошириш механизми	Субъект	Бажариш муддати
1-босқич	<p>1. Ички ишлар вазирининг тавсиянома (тақдимнома) бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги буйруғини чиқариш.</p> <p>2. Комиссия қуйидагиларни кўриб чиқади:</p> <p>а) ходимлар фарзандларининг таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тўғрисида Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг тавсиялари;</p> <p>б) терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатлари.</p>	Ички ишлар вазирлиги	Ҳар йили 10 мартгача
2-босқич	<p>Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари комиссияга кўриб чиқиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:</p> <p>а) амалдаги ходимларга: таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқининг тавсияси; маълумотнома-объективка; автобиографик маълумотлар; хизмат фаолияти натижалари бўйича батафсил ҳисобот; ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспорти нусхаси; маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;</p> <p>б) терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларга: ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва паспорти нусхаси; маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси.</p>	Тегшли ички ишлар органлари раҳбарлари	Ҳар йили 15 мартгача
3-босқич	<p>1. Комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади. <i>(Комиссия йиғилиши якунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раисининг имзоси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг гербли муҳри билан тасдиқланади).</i></p> <p>2. Кўриб чиқиш якунлари бўйича баённома тузилади, у комиссия раиси томонидан тасдиқланади.</p>	Комиссия раиси	Ҳар йили 1 апрелгача
4-босқич	<p>1. Ички ишлар вазирининг буйруғи чиқарилади.</p> <p>2. Ходимларга фарзандларининг таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) берилди.</p> <p>3. Терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимларининг таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномага (тақдимнома) эга бўлган фарзандлари рўйхатлари Давлат комиссиясига юборилди.</p>	Ички ишлар вазирлиги	Ҳар йили 1 майгача
5-босқич	<p>Давлат комиссияси терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятда юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимларининг ушбу Низомда назарда тутилган тартибда таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) берилган фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқади.</p>	Давлат комиссияси (таълим муассасалари бўйича котибият) ишчи органи	Ҳар йили 15 июнгача

Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**
6-ИЛОВА

Давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) берилган, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар фарзандларининг

РЎЙХАТИ

Т/р	Абитуриентнинг (номзод) фамилияси, исми, отасининг исми	Абитуриент (номзод) паспортининг (гувоҳномаси) серияси ва номери	Таълимнинг режалаштирилаётган йўналиши	Тавсиянома (тақдимнома) рақами	Изоҳ
1.					
2.					
3.					

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.05.2019 й., 09/19/375/3095-сон)